

2001-yil fevral oyidan
chiqa boshlagan

Buyuk kelajakni birga quramiz!

Ijtimoiy-siyosiy,
ma'naviy-ma'rifiy,
adabiy-badiiy gazeta

2026-YIL, SENTABR,
№ 17-18 (575-576)

BUKHORO YOSHLARI

“BUKHORO YOSHLARI” ГАЗЕТАСИ – “ОБУНА-2027”



бор-йўғи, 330 000 сўм. БИЗ БИЛАН БИРГА ҚОЛИНГ!

ГАЗЕТАНИНГ БИР ЙИЛЛИК ОБУНА БАҲОСИ:

2026 йил учун Таҳририятнинг обуна нархи —
330 000 (уч юз ўттиз минг) сўм қилиб
белгиланганини маълум қиламиз.

Бухоро вилоят “Матбуот тарқатувчи” шўъба
корхонаси орқали 396 000 (уч юз тўқсон олти минг)
сўм ҳамда “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Бухоро филиали
орқали – 445 500 (тўрт юз қирқ беш минг беш юз)
сўмни ташкил қилади.

НАШР ИНДЕКСИ — 3051

“Обуна-2027” мавсумини намунали ташкил этган
энг яхши обуна ташкилотчилари учун (йил давомида
ташкilot фаолияти ҳақида мақола ва хабарлар бериб
боришдан ташқари) **ПУЛ МУКОФОТЛАРИ**ни эълон
қилади:

- 1000 дона обуна ташкилотчиларига **30 000 000 сўм**
- 500 дона обуна ташкилотчиларига **15 000 000 сўм**
- 250 дона обуна ташкилотчиларига **7 500 000 сўм**
- 200 дона обуна ташкилотчиларига **3 750 000 сўм**
- 100 дона обуна ташкилотчиларига **1 875 000 сўм**
- 50 дона обуна ташкилотчиларига **937 500 сўм.**



“ОБУНА-2027” - ШОШИЛИНГ!

**ПАНЖАРА
ОРТИДАГИ
ПУШАЙМОНЛИК**

4-5

**ИНТЕРНЕТ:
БИЗ УНДАН
ФОЙДАЛАНАМИЗМИ
ЁКИ У БИЗДАН?**

3

“Чорзона” МФЙ ёшлар етакчисининг НАТИЖАЛАРИ ҚАНДАЙ?



Шавкат Сафаров 2024 йилдан буён Жондор тумани, “Чорзона” маҳалласида етакчилик фаолиятини олиб боради. Ўзининг айтишича, ёшлар билан ишлашда муносиб натижаларни кўрсатиш учун муҳим тамойилга асосланиб, иш кўрар экан. Бунда у тартиб-интизом билан меҳнат қилишни энг олди ўринга қўйса, барча фуқароларни бир нигоҳда

кўриш унинг учун зарур мезонларга айланган. Шавкат Сафаров нега, айнан, ёшлар етакчиси бўлиб иш бошлаган ва бундан мақсад нималигини билмоқчи бўлсангиз, албатта, QR-код орқали видео-лавҳани томоша қилинг.



Видеолавҳани QR
орқали кўринг.



ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТЛАР

Ёшлар учун
имконият,
кеलाжак учун
қадам!



Инсон ўзидан кейин қолдирадиган энг эзгу из атрофдаги кишиларга узатилган ёрдам қўлидир. Вилоятимиз бўйлаб ўтказилган “Мен донорман” хайрия ҳафталиги ана шундай кўмак ва жамоавий масъулият туйғуларини яна бир бор амалда намоён этмоқда.

“МЕН ДОНОРМАН”: ҲАР ТОМЧИДА МЕҲР АКСИ

Ёшлар ишлари Агентлиги вилоят бошқармасининг 2026 йил 20 августдаги тегишли хатининг ижросини таъминлаш мақсадида ўтказилган ушбу тадбир вилоятнинг барча туман ва шаҳарларидаги қон қуйиш марказларида ташқил этилди. Ҳар чоракда мунтазам йўлга қўйилган бу хайрли ташаббус жамиятимизда беғараз донорлик маданиятини юксалтиришда жуда катта аҳамиятга эга. Ушбу ташаббус билан аҳоли ўртасида соғлом турмуш ва бирдамлик, ҳамжиҳатлик ва

мен фаолият олиб бораётган маҳаллада ёшларнинг тенгдошларига беғараз ёрдамлашиш, муҳтожлар ҳолидан хабардорлик ҳисси ортиб бормоқда. Ишончим комилки, топирилган ҳар бир қон томчиси ортида кимнингдир умиди, кимнингдир ҳаёти ва оилалар қувончи яширинган. Биз етакчилар эса уларнинг хурсандчилигига кичик ҳиссамизни қўша олдик.

Дарҳақиқат, инсон ҳаётини асраш савобли амаллардан бири ва “Мен донорман” хайрия ҳафта-



Видеолавҳани QR
орқали кўринг.



оқибат ғоялари тарғиб этилди. Бунда эзгулик занжирининг муҳим қатламини яратишда ҳафталикда 140 нафарга яқин ёшлар етакчилари алоҳида фаоллик кўрсатишди. Улар орасида Бухоро шаҳридаги “Отбозор” маҳалласи ёшлар етакчиси Равшан Муродов мазкур жараёни халқнинг соғлом бўлишида ҳамма масъул эканини уқтиради, деб ҳисоблайди.

— Бугун донорлик ҳаракати фақат тиббий ёрдам кўрсатиш билан чекланиб қолмаяпти. У жамиятнинг маънавий соғломлигини мустаҳкамлаш ва руҳий бақувватлигини оширувчи мезонга айланди. Хусусан,

талиги жамиятимизда бағрикенг фуқаролар кўп эканлигини англатади. Халқнинг бир-бирига беғараз ёрдам узатиши ва оғирини енгил қилиши, аввало, қонимизда ва тарбиямизда бор. Бу ҳолатни азалий қадриятларимиздан, десак ҳам адашмаган бўлаемиз. Зеро, самимий ҳаракатлар ва эзгу ташаббуслар бор экан, мамлакатимизда инсонийлик туйғулари ҳеч қачон сўнмайди.

Шуҳрат Шомуродов,
вилоят ёшлар ишлари
бошқармаси маҳалладаги ёшлар етакчилари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича бош мутахассис

ЁШЛАР ИШОНЧИ — МЕНИНГ ЭНГ КАТТА МАСЪУЛИЯТИМ

Мен ёшлар етакчиси сифатидаги фаолиятимни 2022 йил 19 январдан бошлаганман. Шу кундан буён Шўрбод маҳалласидаги ёшлар билан бирга ишлаб, уларнинг қувончи ва ташвишларини ўзимники каби қабул қилиб келмоқдаман. Бугун маҳалламизда 731 нафар ёш истиқомат қилади. Уларнинг 601 нафари, яъни 83 фоизи яшил тоифада, 130 нафари эса сариқ тоифада. Энг қувонарлиси, маҳалламизда жиноятчиликка мойил, яъни қизил тоифадаги ёшлар мавжуд эмас.

Муаммоли ёш билан ишлаганда, биринчи навбатда, унинг муаммоси нимада эканини эшитишга ҳаракат қиламан. Чунки баъзан ёшга катта ёрдам эмас, уни тушунадиган ва қўллаб-қувватлайдиган бир инсоннинг ўзи kifоя.

Шунинг учун ҳар бир мурожаатга имкониятимиз даражасида ечим топишга интиламан. Кимдир иш излайди, кимдир ўқишга киришни хоҳлайди, яна кимдир ўз қобилиятини намоён қилиш учун шароитга муҳтож. Ёшларнинг эҳтиёжи турлича бўлса-да, мақсадим битта — уларнинг эртанги кунига оз бўлса-да ҳисса қўиши.

Маҳалламиз ёшлари “Ибрат фарзандлари”, “Устоз АИ”, “Қизлар академияси” каби замонавий таълим платформаларидан фаол фойдаланиб келмоқда. Жумладан, 360 нафардан ортиқ ёш “Ибрат фарзандлари” платформасига, 330 нафардан ортиқ ёш эса “Устоз АИ” платформасига жалб қилинган. Уларнинг 200 нафардан ортиғи “Ибрат фарзандлари”, 250 нафардан ортиғи эса “Устоз АИ” платформаси орқали сертификатлар олишди.

Бундан ташқари, “Қизлар академияси” каби платформалардан фойдаланаётган ёшлар сони 250 нафарга етиб, уларнинг 100



нафари сертификат олишга муваффақ бўлди. ОТМни тамомлаган 16 нафар битирувчининг 13 нафари бандлиги таъминланди. Мактабни битирган 20 нафар ёшдан 15 нафари олий таълим муассасаларига ўқишга кирди, 3 нафари ўзини ўзи банд қилди, 2 нафари эса техникумларда таълим олишни танлади. Про-

фессинал таълим муассасасини тамомлаган 6 нафар ёшдан 3 нафари олий таълимга ишга кирди, 2 нафари ишга жойлаштирилди, 1 нафари эса ўзини ўзи банд қилди.

Маҳалламиздаги ёшлар мактабда ташқил этилган гандбол ва кураш тўғарақларида мунтазам қатнашиб келмоқда. Бугунги кунда гандбол тўғарагига 110 нафар, кураш тўғарагига эса 80 нафар ёш жалб қилинган. Ёшларимиз гандбол бўйича вилоят миқёсидаги мусобақада учинчи ўринни эгаллагани биз учун катта фахр бўлди. Хорижда меҳнат қилаётган 13 нафар ёш бор. Улар билан махсус Телеграм гуруҳимиз орқали мунтазам мулоқот қилиб, ҳолидан хабар олиб тураемиз.

Фаолиятим давомида бир нарсани чуқур англадим: ёшлар билан ишлаш учун аввало, уларнинг ишончини қозониш керак. Ва мен бу ишончини оқлаш учун имконим борича ҳаракат қиламан.

Аббос Ҳамроев,
Ромитан туманидаги “Шўрбод”
МФЙ ёшлар етакчиси.

ИНТЕРНЕТ: БИЗ УНДАН ФОЙДАЛАНАМИЗМИ ЁКИ У БИЗДАН?

— Интернетсиз бир кун яшай оласизми?— деган саволга ҳар ким ҳар хил жавоб беради. Аммо жавоблар орасида энг кичик суҳбатдош — Юлдуз Рустамованинг гапи, эҳтимол, энг таъсирлиси:

— Мен интернет орқали мультфильм кўрмасам, овқатланмайман. Интернет ўчиб қолса, оч қоламан-ку!

Боланинг ҳазиломуз гапида бугунги ҳаётимизнинг бир ҳақиқати яширин. Интернет энди шунчаки ахборот олиш воситаси эмас. У ишимиз, ўқишимиз, мулоқотимиз, харидларимиз, ҳатто, кундалик одатларимизни ҳам

лар телефондаги сурат-у видеоларга термулади. Назаримда, интернет оммалашди-ю, одамлар ўзини ёлғиз ҳис қила бошлади. Тўғриси, гап интернетда эмас, ундан қандай фойдаланишда. Интернет инсонга хизмат

чилар сони тахминан, 6 миллиардга етган ва бу жаҳон аҳолисининг 74 фоизини ташкил этган. Демак, ҳали ҳам 2,2 миллиардга яқин киши интернетдан фойдаланмайди.

Бу рақамлар интернетнинг ҳаётимиздаги ўрни қай даражага етганини кўрсатади. Ўқиш, ишлаш, банк хизматларидан фойдаланиш, давлат идораларига мурожаат қилиш, харид, харита, хабарлашув — буларнинг деярли барчаси бир неча босиш билан амалга оширилади.

да экранга қараймиз. Овқатланишда ҳам телефон ёнимизда туради. Уйқу олдидан “фақат бир дақиқа”, деб экранга қараймиз. Кейин эса ярим соат қандай ўтиб кетганини сезмай қоламиз.

Баъзан телефонни нима учун қўлимизга олганимизни ҳам эслай олмаймиз.

Хабарнома овози эса диққатимизни бир зумда ўзгартиради. Америка Психологлар Ассоциацияси маълумотларида смартфон хабарномалари инсон диққатига таъсир қилиши мумкинлиги қайд этилган. Яъни, гап фақат телефонга қанча вақт қарашимизда эмас. Гап диққатимизни неча марта бўлиб-бўлиб юбораётганимизда.

Шунинг учун интернетни “душман” деб эълон қилиш ҳам тўғри эмас. У масофаларни қисқартирди, билимни оммалаштирди, ишлаш ва ўқиш имкониятларини кенгайтди. Узоқдаги яқинлар билан бир зумда боғланиш имконини берди. Аммо, ҳар қандай қулайликнинг меъёри бўлиши керак. Бир кун интернетсиз қолиб кўрсак-чи?

Аввалига, қўлимиз телефонга боради. Кейин тармоқ қачон ишлашини кутиб қоламиз. Бироздан сўнг эса экрандан ташқари ҳаёт борлиги сезила бошлайди. Кимдир китоб ўқийди. Кимдир яқини билан юзма-юз суҳбатлашади. Кимдир кўчага чиқиб, атрофига назар ташлайди. Яна кимдир шунчаки сукут сақлайди.

Эҳтимол, ана шу сукут бизга муҳим бир ҳақиқатни эслатар: интернет ҳаётимизнинг бир қисми бўлиши мумкин, аммо ҳаётимизнинг ўзи эмас. Эндиги вазифа эса унга қарам бўлиб қолмасдан яшашни ўрганишдир. Чунки технология инсонга хизмат қилса — тараққиёт, инсон технологияга хизмат қила бошласа — қарамлик юзага келади.

**Зулфизар Мавлонова,
“ВУО” мухбири.**

БИР КУН ИНТЕРНЕТСИЗ

ИНТЕРНЕТГА ҚАРАМЛИК

Мен интернет орқали мультфильм кўрмасам, овқатланмайман.



Мен интернет орқали мультфильм кўрмасам, овқатланмайман.

ҲАЁТ ИНТЕРНЕТСИЗ



Назаримда, интернет оммалашди-ю, одамлар ўзини ёлғиз ҳис қила бошляпти.

бошқариб турган улкан тизимга айланди.

- Тикувчиман ва замонавий бичимларни ижтимоий тармоқлардан ўрганаман. Мижозларимни сақлаб қолиш учун тармоқлардан фойдаланишим шарт, — дейди Маржона Мамиева.

63 ёшли Шарифа ая Бобомуродованинг қараши эса бутунлай бошқача:

- Бизнинг давримизда соғинганда хат ёзардик, дийдорлашардик. Ҳозир эса одам-

қилсин, инсон унга қарам бўлиб қолмаслиги керак.

Турли авлод вакилларининг фикри ҳар хил. Аммо, хулоса битта: интернет ҳаётимизни енгиллаштириши керак, ҳаётимизнинг ўзига айланиб қолмаслиги муҳим.

Бугун дунё аҳолисининг қарийб тўртдан уч қисми интернетдан фойдаланади. Халқаро электр алоқа иттифоқи (ITU) маълумотларига кўра, 2025 йилда интернетдан фойдаланув-

Муаммо ҳам айнан, шу қулайликдан бошланади.

DataReportal маълумотларига кўра, 2025 йил бошида дунё интернет фойдаланувчиси кунига ўртача 6 соат 38 дақиқа вақтини онлайн ўтказган. Бу бир кундаги уйғоқ вақтнинг салмоқли қисмидир. Энг қизиғи, биз интернетга кириш учун доим ҳам сабаб изламаймиз. Автобус бекагида, телефонни очамиз. Кимнингдир жавобини кутаётган-

Ҳар куни эрталаб уйғонсам, дадам ҳовлида узала тушганча китоб ўқиётган бўладилар. Қизиғи шундаки, баъзан нонуштага чақирсак, дарров эшитмайдилар. Китобга шу қадар берилиб кетадиларки, вақт ўтганини сезмайдилар ҳам. Атрофни унутиб китобга шўнғиб кетиш мумкиндир, лекин мактабни битириб ҳам ўқиш кераклигини ҳеч тушунмайман. Шунда дадамдан сўрашга қарор қилдим:

- Дада, нега бунча кўп китоб ўқийсиз, ахир, сиз мактабга бормайсиз-ку?



КИТОБ

Дадам дарров жавоб қайтармади. Мени ёнига ўтқазиб, қўлимни китобга қўйди.

- Қизим, китобнинг тафтини сезяпсанми? Агар уни ўқисанг, унинг меҳрини ҳам, содиқлигини ҳам ҳис қиласан. Тўғри, мен мактабга

қатнамайман. Аммо, унутма, мактаб сенга одоб ва таълим берса, мактабдан ташқари ўқиганларинг сенинг руҳингни тарбиялайди, қўшимча илм беради. Бизга қадар қанчадан-қанча олим-у ёзувчилар турли асарлар

ёзишган. Уларни ўқимаслик ҳам увол. Чунки тайёр билимни қўлдан чиқармаймиз-ку! — деди ва кулди.

- Китобларни ўзимиз ўқишимиз керак бўлса, унда мактабга бориб нима қиламиз?

- Устозсиз таълим мустақкам бўлмайди. Агар устозинг ҳарф ўргатмаса, ўқий олармидинг ёки математик амалларни мустақил ўзлаштира олармидинг? Йўқ. Устозларинг сени улғайтувнингча тушунмаганларингни тушунтириб, мустақил таълим олишга ўргатади. Келажакнинг порлоқлигини қафолатловчи китоб эса бир умр сенинг ҳамроҳинг бўлиши керак. Чунки у - миннатсиз дўст. Китоб бизни шу кунгача ҳашаматли уй-жою озиқ-овқатга етиштирди. Одамлар орасида идрок билан гапиришга ўргатди. Шунинг унутмаки, сен ўқишни унутмасанг, китоб ҳам сени унутмайди. Шу учун ҳар тонг 1 соат вақтимни китоб ўқишга сарфлайман, - деди.

-Дада бугундан мен дарсларимни мактабда тайёрлайман. Кейин уйда китоб ўқийман,- дедим. Дадам қувониб, пешонамдан ўпиб қўйди.

Бу суҳбатдан шуни тушундимки, мен келажакимдан яхшилик кутсам ва атрофда яхши инсонлар бўлишини истасам, китоб ўқишни доимий давом эттиришим керак экан.

**Гулираъно Шукриллоева,
Когон туманидаги 5-умумий ўрта таълим мактабининг 4-синф ўқувчиси.**



Видеолавҳани QR
орқали кўринг.

Темир эшикнинг оғир ёпилган овози одамнинг юрагини беихтиёр сиқиб кўяди. Унинг ортида қолган сукут эса янада оғир. Бу ерда ҳар бир дақиқа узун, ҳар бир кун соғинч ва изтироб билан ўралган кўйи ўтади. Бундан икки йилча илгари Бухоро шаҳридаги ҳибсхоналардан бирида маҳкумлар билан учрашган эдик. Кунни кеча Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги жазони ижро этиш департаменти олтинчи минтақавий ҳудуд 4-сон тергов ҳибсхонасида кечган маҳкумлар билан навбатдаги учрашувда ҳам ана шундай туйғуни ҳис қилдик.

Учрашув Бухоро вилояти Ёшлар ишлари бошқармаси томонидан ташкил этилди. Унда масъуллар томонидан ёшларга бугун юртимизда улар учун яратилаётган шароитлар ҳақида сўз юритилди. Ёшларнинг таълим олиши, касб-ҳунар эгаллаши, меҳнат қилиши ва жамиятда муносиб ўрин топиши учун яратилаётган имкониятлар таъкидланиб, ҳар бирдан тўғри фойдаланишга чақирилди.

Бугун ёшлар учун очилаётган эшиклардан фойдаланмай, бир лаҳзалик хатонинг ортидан умрининг энг қимматли йилларини панжара ортида ўтказиш, бу – қайтариб бўлмас йўқотишдир.

Ҳибсхонадаги муҳитни сўз билан ифодалаш қийин. Бу ердаги ҳар бир юзда айтилмаган ҳикоя, ҳар бир нигоҳда пушаймонлик бор. Айниқса, ёшларни кўриб, ҳар қандай инсоннинг кўнгли оғриб кетади. Кечагина ота-онасининг эркатойи, кимнингдир орзуи, севгилиси, кимнингдир фарзанди бўлган йигитлар бугун темир панжаралар ортида. Уларнинг айримлари ҳали ҳаётнинг, ҳатто, ўспирин йигитлик йилларини яшаб улгурмаган. Афсуски, биргина нотўғри қарор, оқибатсиз дўстлар, биргина эҳтиётсиз қадам уларнинг тақдирини ўзгартириб юборган.

Суҳбат давомида маҳкумларнинг кўзларида пушаймонлик фарёд қилди. Афсуски, уларнинг мунг ва ачиққ ёшга тўла кўзларини кўрсата олмаيمиз. Юракларни сел қилиб юборадиган бу кўзёшлар бирининг бошини эгди. Бирини сўзсиз қолдирди. Бири ота-онасини тилга олганда, овози титради. Яна кимдир фарзандларини соғинганини яшира олмади. Энг оғриқлиси, уларнинг кўпчилиги озодликнинг оддий нарсаси эмаслигини англаб етган.

Ташқарида биз шунчаки қабул қиладиган нарсалар бор: эрталаб кўзни очиб, она овозини эшитиш, кўчага бемалол чиқиш,

дўстлар билан учрашиш, фарзандларининг бағринга босиш, истаган жойингга бориш... Бу ерда эса ана шу оддий ҳаётнинг ўзи катта орзуга айланган.

- Агар вақтни ортга қайтаришнинг иложи бўлганда эди... - деган мазмундаги гаплар суҳбатлар орасида қайта-қайта такрорланди.

Аммо, вақт ортга қайтмайди. Маҳкумлар қилган ишининг жазосини ўташи



мумкин. Лекин, йўқотилган йилларни, ота-онанинг қаришини, фарзандининг улғайиб қолганини ортга қайтариб бўлмайди.

Панжара ортидаги муҳит кишини ўйга толдиради. Бу ерда жазо фақат темир эшиклар ва чекланган ҳаракат эмаслигини англайсиз. Энг оғир жазо – яқинлардан узоқлик, ўз қилмишингиз билан ёлғиз қолишингиз, хатойингизни англашдир.

Такрор айтаимизки, маҳкумлар орасида ёшларнинг борлиги яна ва янада оғир таассурот қолдиради. Чунки ёшлик адашиш

учун эмас, орзу қилиш, мақсадлар сари интилиш учун, касб эгаллаш, илм ўрганиш, ҳаёт қуриш учун берилган давр. Бироқ, нотўғри танланган муҳит, назоратсиз қолган истак, ёмон дўст ёки бир лаҳзалик нафс гоҳида инсонни йиллар давомида пушаймон бўлиб яшашга мажбур қилади.

Келинг, яхшиси, уларнинг сўзлари – пушаймонликларини ўзлари билан кечган суҳбатдан эшитайлик.

“Ҳаётимда мен бошқа дўст кўрмадим. У – отам”

- Мен, маҳкум Давронбек Орифжонов, Фаргона вилоятиданман. Вақтинчалик жазо муддатимни шу ерда ўтаб келаяпман. Менга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 251-моддаси, 5-қисми билан беш йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланган. Учдан бир қисмини “зона”да ўтказаман, қолгани колонияда. Жараён шундай давом этади. 16 ой ўтди, 4 ойдан кейин колонияга жўнатишди.

- Шу ерда ўтказган вақтингизда сиз ўзингизда нималарни ўзгартирдингиз?

- Нималарни ўзгартирдим, нималарни тушуниб етдим? - ўйчан сўзлади суҳбатдош, - биринчи ўринда, одам «ташқари»да қадрига етмаган нарсаларни қадрига етишини ўрганади экан бу ерда. Нимани хор қилсанг, шунга зор бўласан, деб бежизга айтишмаган экан. Озодликни қадрига етмаган эканмиз. Шароитни ёмон, демайман. Аммо, барибир, озодлик бўлмагач, ҳеч нарсаси татимайди.

- Сизнинг-ча, жиноятга етакловчи омил нима? Атрофми, нотўғри дўстларми ёхуд пул етишмовчилигимиз? Нима?


- Ён-атроф... нотўғри дўстлар... Сизни шу ергача олиб келар экан. Агар атрофнингиздаги дўстлар ёшироқ бўлса, бу сиз қаровсиз қолдингиз, дегани экан. Бу - менинг фикрим. Мен шу нарсасида ҳаётимда гувоҳ

бўлдим. Ўз кўзларим билан кўрдим. Ўз ҳаётимни шундай ўтга ташладим.

- Суҳбат жараёнида кўраппизки, сиз уқувли ва илмга чанқоқсиз. Ўқимишлисиз, адашмасам...

- Фаргона Давлат университетининг иқтисодиёт факультетини тугатганман. Армия хизматини ўтаганман. Футбол бўйича Ўзбекистон чемпиони бўлганман. Шунча шараф, шунча ҳаракат... интилдим, изландим, қўлдан келганча эришдим... Афсуски, мени шаҳарда тергайдиган ота-онам узоқда бўлганими, шаҳарда бошқа муҳит ичида қолиб кетдим. Бемаъни юришлар, бемаъни вақтичоғликлар... бора-бора хатоларим кўпайиб, гуноҳларим катталашиб бораверди. Қандай муҳитга тушиб қолганимни ўзим ҳам англаб ололмай қолдим.

- Демак, бу хатоларингиз сизни жиноятга етаклаши мумкинлигини, ҳатто, ҳаёлингизга ҳам келтирмагандисиз...



- Одам айби катталашиб борган сари “ўзимники маъқул” деган фикрда тўхтаб қолар экан-да. Мен ўз ҳаракатларимни ўзим учун маъқул, деб кетаверганман. Атрофимдаги яхши одамларнинг огоҳлантиришларига эътибор ҳам қаратмаганман. Яхшилар этагидан тутмаганим, яхши инсонлар даврасидан узоқ юрганим... мана, мени қаергача олиб келди. Бу ерда ҳар тонг сизни куёшсиз осмон қаришлайди, сизни сўнгсиз игнасанчиқ симтўр манзиллар қаришлайди, оғриқ қаришлайди, виждон азоби қаришлайди...

- Бир оила аъзосининг ачиққ қисмати учун куйинадиган ҳам, ачинадиган ҳам биринчи навбатда унинг яқинлари. Жабр кўрадиганлар шулар...

- Мен шу ерга келиб билдимки, бу ҳаётда инсоннинг ичидан нима ўтса уни ўзидан ўтказадиган одам битта экан ва дўст ҳам фақатгина у бўлар экан: тирик бўлса, отангиз! Ҳаётимда мен бошқа дўст кўрмадим. Ҳеч қачон. Шу одам йиқилсам йиқилди, турсам турди. Жони ҳар доим

ПУШАЙМОНЛИК



мен учун ҳалак, падарибузрукворимнинг. Япроқдек титраган кўйи тез-тез ҳолим сўраб келади. Кўнгиноқ қилади. Оҳ, у қанийди, билсайди, бугунги қамқоналар илгариги даврлардаги сингари эмаслигини... Худо хоҳласа, озодликка чиқсам, пойидан сув куйиб ичаман, отагинимнинг. Ҳар куни узр ва пушаймонликда кечаётган ўғлингизни кечиринг, ота...

“Бу кунлар онамга қимматга тушди”

Маҳкум Муҳаммаджон Ортиқов, 20 ёшда. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 166-моддаси, 3-қисми билан айбли, деб топилган. Тергов ҳибсхонада муддатини ўтамоқда. Ҳали мўйлови сабза урмаган йигитнинг қалтироқ кўларига қараймиз. Ҳатто, бармоқлари-да, озодликка талпинган нозиккина куш қанотларига ўхшайди. Гўё, улар ҳозиргина панжарани четга суриб, осмон сари учиб кетишни истайди...

- Қилган жиноятимдан пушаймонман. Жуда қаттиқ пушаймонман. Ўзбекистон Республикаси Президентидан, халқимдан, жабрланувчилардан, ота-онамдан, оила аъзоларимдан кечирим сўрайман. Бу йўлга бир адашиб кириб қолдим, - кўзларида ёш лопиллаб, лаблари потирлаб учиб сўзлайди Муҳаммаджон.

У оилада олти фарзанднинг тўнғичи. Ўзининг айтишича, оиладаги оғир шароит, рўзгордаги етишмовчиликлар уни нотўғри йўлга бошлаган. Ота-онасига кўмаклашиш, оиласига даромад олиб кириш истаги уни охир-оқибат тақдирини ўзгартириб юборган қарорга етаклаган.

- Энди уларнинг кўзларига қандай қарашни билмайман. Ўзимни ҳам, ота-онамни ҳам кўни-кўнчилар, ҳешу-уруғлар олдида уятли қилиб қўйдим. Тенгқуларимга эса битта нарсани айтган бўлардим: ҳар хил одамларнинг гапларига кирманлар, жасҳлингизга эрк бериб, бир лаҳзалик шошқалоқлик билан бир умр пушаймон бўладиган иш қилиб қўйманлар, дейди у.

- Қилган жиноятимдан пушаймонман. Жуда қаттиқ пушаймонман. Ўзбекистон Республикаси Президентидан, халқимдан, жабрланувчилардан, ота-онамдан, оила аъзоларимдан кечирим сўрайман. Бу йўлга бир адашиб кириб қолдим, -кўзларида ёш лопиллаб, лаблари потирлаб учиб сўзлайди Муҳаммаджон.

Ёш суҳбатдош болалигидан тадбиркор бўлишни орзу қилган. Унинг кўзларида ҳали сўнмаган орзу, овозида эса йўқотилаётган вақтнинг оғриги сезилади.

- Бу қилмишим келажакдаги орзуларимга нечоғли тўсиқ қўяди, билмадим. Аммо, озодликка чиққан кунимдан бошлаб, ҳаётимни қайта қуришга ҳаракат қиламан. Аввало, ота-онамнинг ишончини қайтаришни, кейин эса болалигимдан орзу қилган тадбиркорлик билан шугулланишни истайман.

- **Нимага қизиқасиз?**
- Мусиқага.
- **Унда куйлаб беринг!**
- Овозим унчалик яхши эмас, - дейди кўзларида ёш қалқиб турган йигит лабларида табассум билан.
- **Борича...**

ичида озодликнинг қадрини, ота-онанинг меҳрини ва биргина нотўғри қадам инсон ҳаётини қай даражада ўзгартириб юборишини англаб етган.

- Мен Фарҳод Камолитдинов, Тошкент вилояти, Занғиота туманида туғилиб ўсганман. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 169-моддаси билан беш йилу олти ойга озодликдан маҳрум этилганман.

Фарҳоднинг гапларида ўзини оқлашга уриниш йўқ. Аксинча, ҳар бир сўзида қилинган иш учун пушаймонлик сезилади.

- Бир йил давомида ўзимга кўп ҳулосалар чиқардим. Энди бундай жиноятларга яқинлашмасликка, тўғри йўлдан юришга ҳаракат қиламан. Инсон озодликда юрганда, кўп нарсанинг қадрига етмас экан. Кўчага бемалол чиқиш, яқинларинг билан бирга бў-

ният бор. Аммо, бу имкониятларга етиб бориш учун аввал панжара ортида қолаётган йилларни енгиб ўтиш керак.

- Ҳаёт давом этади. Чиққанимдан кейин ўз карьерамни қилишга, яхши ҳаёт кечирishга ҳаракат қиламан. Ватанимизга манфаат келтирадиган инсон бўлишни хоҳлайман.

Фарҳод тенгдошларига мурожаат қилганда, овози янада жиддийлашди.

- Уларга айтадиган гапим шу: бундай ишларга «тушиб» қолманлар, бундай жойларга келманлар. Мен бу ерга келганимдан кейин ўзимга катта ҳулоса чиқардим. Бундай жойларни душманамга ҳам раво кўрмайман. Балки, ташқарида юрган одам учун озодлик оддий тушунчадир. Бироқ, темир эшиклар ортида қолган одам учун бу – энг катта орзу!



У бир лаҳза сукут сақлади. Гўё, панжара ортида қолган ҳаётдан қайси кўшиқни танлашни билмаётгандек... Бироздан кейин у ҳорган кўшиқ бошлади.

- Қўлимда дастағул, Қизил, оқ, пушти. Ифори таралиб, Оларди ҳушни. Қувонсин, севинсин, Онамнинг кўнгли. Бу кунлар онамга қимматга тушди. Эй-й, осон бўлмади, Баланду пасти... Бу кунлар онамга қимматга тушди...

“Бундай жойларни душманамга ҳам раво кўрмайман”

Темир панжаралар ортидаги кейинги суҳбатдошнинг нигоҳида ҳали 24 ёшга ҳам етмаган умрнинг оғирлиги бор. У бу ерга бир йил аввал келган экан. Ўша бир йил

лиш, ҳоҳлаган жойинга бориш – буларнинг бари неъмат экан.

Фарҳоднинг айтишича, уни жиноятга олиб борган сабаблардан бири оиладаги етишмовчилик бўлган. У дўкандан телефон ўғирлаган. Бу унинг ҳаётидаги биринчи жиноят эди. Аммо, ўша бир хато уни беш йилдан ортиқ вақтга озодликдан маҳрум қилди.

- Ошлавий шароит, етишмовчилик таъсир қилдими, йўлдан адашдим. Билиб-билимай... пушаймонлигимни қандай тушунтиришни ҳам билмайман. Ҳаддан зиёд виждон азобида оғринаман.

У уч нафар фарзанднинг кенжаси. Икки опа ва ўзи. Ташқарида эса уни яқинлари, жисарлари кутаяпти.

- Жазо муддатим тугаганда, тенгдошларимнинг кўпчилиги ҳаётда ўз ўрнини топган бўлади. Кимдир касб эгаллайди, кимдир оила қуради. Яна кимдир катта мақсадлар сари қадам ташлайди. Мен эса ўша пайтда ҳаётимнинг йўқотилган йилларини тўлдиришга уринаман...

Бу гапдан кейин бир зум сукут чўкди. 24 ёш – олдинда ҳали қанча йўл, қанча имко-



Маҳкумлар билан учрашувдан қайтар эканмиз, оптимизмга қараймиз: ўша оғир темир эшиклар ёпилди. Аммо, унинг овози узоқ вақт ҳаёдан кетмади. Балки, бу учрашувнинг энг катта сабоғи ҳам шудир: ҳар биримиз ўз эркинлигимизнинг қадрини уни йўқотмасдан олдин англашимиз керак. Чунки баъзан бир лаҳзалик хато учун йиллар тўланади. Ва энг аянчлиси, ўша йиллар орасида инсоннинг умри панжара ортида қолиб кетади.

Бу учрашув шунчаки учрашув бўлмади: суҳбатлар, мулоҳазалар, ҳаётий мисоллар ва огоҳлантиришлар маҳкум ёшларни тўғри йўлга қайтиш, ўз хатоларидан ҳулоса чиқариш ва келажакка умид билан қарашга ундади.

Лайло Ҳайитова



Метро жуда тиқилинч. Ҳамма ўқишга, ишга шошяпти. Вилоятдан пойтахтга катта орзулар ва хаёллар уммонига чўмган камина эса қўлимдаги ҳужжатларимни маҳкам тутганча, метро эшиклари томон илдамламоқдаман. Манзил ўша – ҳамма жойга донғи кетган, чиройли қизларга тўла Жаҳон тиллари университети.

Тўрт йиллик катта сафарнинг биринчи кuni

Лекин, энг қизиғи, метро бекатидан чиққач, қаерга боришни билмайман. Яхшиям, қўлимда бош муҳарриримиз тили билан айтганда, “ЧАҚ-ЧУҚ”, яъни ЧатГПТ бор: бекатдан чиққанымдан бошлаб, қаерга юриш, қайси томонга бурилиш, нима қилиш керак, барчасини айтиб турди.

Шундай қилиб, нотаниш пойтахт кўчаларида йўлимни топиб, университет томон йўл олдим. Талабалар учун Мирзо Улуғбек метро бекатидан университет дарвозасигача элтиб қўядиган автобуслар ҳам қўйилибди.

Қийналмайгина автобусдан тушдим. Олийгоҳ дарвозасидан кирарканман, катта-катта бинолар қаршисида мен каби “майда-майда” бир қанча янги талабалар туришибди. Ўша пайтда мен, нафақат, университет ҳудудига, балки, катта ҳаёт остонасига ҳам қадам қўяётганимни ҳис қилдим. Юраккинам жойида ўйноқлаб, оёқларим лазгига тушаёзди. Ҳаяжон жуда кучли.

Янги дўстлар, янги муҳит, янги даргоҳ буларнинг барчаси вужудингизни жунбушга келтирар экан.

Атрофга қарасангиз, ҳамманинг кўзида қувонч. Кеча тонг саҳарда туриб, репетиторга чопган, тест ишлаган, имтиҳон кутган, натижани ҳаяжон билан текширган ёшлар бугун ўз орзуларининг ичида яшаб турибди.

Мен бироз уялчанроқ эканлигим учунми, унча-мунча одам билан тезда суҳбатга қоришиб кетолмайман. Шундай бўлса-да, бир йигит билан яхши чиқишиб олдик: У уч йил тайёрланибди. Уч йил давомида

талаба бўлиш учун ҳаракат қилган, аммо, ўқишга кира олмаган. Лекин, умидини узмаган. Шу йил талабалikka тавсия этилибди.

Ўзимча, шу бугун бу боланинг жисмида қон ўрнида литр-литр



қувонч оқаётган бўлса керак, деб ўйладим.

Университет билан яқиндан танишиш, янги дўстлар билан кўпроқ вақт ўтказиш, янги муҳитга тезроқ мослашиш учун раҳбарият томонидан ҳам тизимли ишлар амалга оширилган. Жумладан, университет ичида экскурсиялар ташкил этилиб, талабаларни олийгоҳнинг кутубхонаси, компьютер хоналари ва бошқа имкониятлари билан яқиндан таништиришди. Шу куннинг ўзидаёқ, бир нарсани англадим: университетга кириш мақсаднинг охири эмас, аксинча, янги мақсадларнинг бошланиши экан.

Олдинда тўрт йил. Аммо, бу тўрт йилни шунчаки дарсга кириб-чиқиш, диплом кутиш билан ўтказиб бўлмайди. Дарвоқе, меҳнат бозори бир талаба олдиға анча катта вазифаларни қўймоқда.

Университетда берилаётган билим билан бир қаторда, замонавий касбларни эгаллаш, янги хорижий тилларни ўрганиш, рақамли технологиялардан фойдаланишни билиш, коммуникация ва ижодий фикрлашни ривожлантириш ҳам ниҳоятда муҳим. Айниқса, биз каби журналистика ва тиллар йўналишида таҳсил олаётган ёшлар учун буларнинг аҳамияти янада катта. Чунки бугунги журналист фақат қалам ва дафтар билан чекланиб қолмайди. У камера билан ишлаши, видео монтаж қилиши, ижтимоий тармоқларни тушуниши, сунъий интеллект имкониятларидан фойдаланиши, бир нечта тилда ахборот излай олиши ва энг муҳими, тез ўзгараётган замон билан бирга ўзгариши керак.

Буларнинг барчаси эса, аввало, талабанинг ўз қўлида. 3 йил давомида талабаликни кутган ўша йигитнинг ҳикояси ҳам менга шунинг аниқлиги: Орзуға етиш учун вақт кетиши мумкин, аммо, умид ва ҳаракат тўхтамаслиги керак.

Вилоятдан пойтахтга катта орзулар билан келган мен каби ёшлар учун бу университет оддийгина таълим маскани эмас. Университет: катта ҳаёт сари қўйилган илк қадамлардан бири.

Ҳусан Ҳакимов,
“ВУО” мухбири.



Санкт-Петербургнинг қаҳратон ва қора қишида “Газпром” қурилиш майдонининг совуқ темирлари ва одамни янчиб юборгудек ғўғиллайдиган шовқини ичида мен ўлим ва ҳаёт ўртасидаги таниш қилтириқ кўприкдан ўтдим. Шунда тушундимки, инсон ўзини қанчалар буюк ва қудратли, деб ҳисобламасин, тақдир олдида бир лаҳзалик нафас ва омонат жондан иборат экан.

МУЗЛАГАН ТАНА, УЙҒОНГАН ҚАЛБ

Ўша куни қўлимда гувиллаб айланаётган темир кесгич (болгарка) бир лаҳза назоратдан чиқиб кетди ва гўштимни тилиб, суякларимгача сизиб ўтди. Бу даҳшатли ҳодиса эди. Эсласам, ҳалиям қўркувдан титраб кетаман. Қўлимга қарар эканман, яра шу қадар чуқур ва мудҳиш эдики, томирларимдан қип-қизил қон фоввордек отилиб чиқарди.

Оппоқ қор узра ўлим дарёсини чиза бошлади. Атрофдаги бақувват ҳаётнинг ҳар қандай қийинчиликларига кўникиб кетган рус муҳандислари ҳам буни кўрган заҳоти даҳшатдан қотиб қолишди. Уларнинг кўзларидаги ваҳима бақир-чақирлар менга ажалнинг шарпасини эслатиб турарди. Одам табиатнинг, тиббиётнинг қонунига кўра, бундай жароҳатдан сўнг азобдан фарёд чекиши оғриқни

оқаётган ўша азобни ўзининг кўринмас қафти билан тўсиб қолгандек. Ёнимдаги яхши инсонлар сиймосида менга ер юзидаги фариштасини юборгандек туюлди. Мен кўрган мўъжизалар шу билан якун топмади. Шифокорларни ҳайратда қолдирган ўша мудҳиш ва чуқур яра бор-йўғи бир неча кун ичида осон ва тез битди.

Шундан сўнг мусофирчиликнинг сокин, аммо, совуқ тунларида узоқ-узоқ йиғлаб, саждага бош қўйиб, кунларимни ўтказдим. Кўз ёшларим юзимни ювар, қалбимда эса жавобсиз саволлар айланарди. Ҳар сафар ёлғиз қолганимда, ўзимдан бир нарсани сўрардим: бошимдан кечганлар нима эди? Яратганнынг менга қаҳрими ёки мен ҳали англаб етолмаган чексиз раҳматими?

Вақт ўтгани сари шу саволнинг



зўридан ҳушидан кетиши керак эди.

Лекин, ўша лаҳза қутилмаган ва ақлбовар қилмас, инсон мантигини парчалаб ташлайдиган бир илоҳий мўъжиза юз берди. Мен заррача ҳам оғриқ сезмадим. Ҳеч қандай азоб, ҳеч қандай қийноқларни ҳис этмадим. Вужудимни мутлоқ ғайритабиий хотиржамлик эгаллаб олди.

Қоним тинмай оқаётган бир пайтда шовқин-сурон ичида ускуналар омборида ишлайдиган андижонлик Фазогир ака югуриб чиқди. Мени бу алфозда кўриб, кўзлари катта-катта бўлиб кетди. Юзида хавотир ва қўрқинч барқ урарди. Мусофир юртда ўз диндоши ва юртдошининг фожиасини кўришдан оғирроқ азоб борми? У дарҳол ўзини кўлга олиб, ярамни боғлашга, қонни тўхтатишга уринди. Мени ўша қурилиш майдонидан шахар шифохонасига олиб кетгунча қуюнчанлик билан далда берди:

- Ука, ўзингни кўлга ол. Худо хоҳласа, ҳаммаси яхши бўлади. Чида, ука. — дерди.

Гўёки, ўша сонияда коинотни яратган зот қон томирларим бўйлаб

жавобини излаб, ҳар бир кўз ёшимдан маъно, ҳар бир оғриғимдан сабоқ қидира бошладим.

Сўнг англадимки, У менга ўзининг борлигини, қудратини кўрсатиб қўйди. “Сенинг жонинг инсонларнинг ёки табибларнинг қўлида эмас, менинг изимда”, дегандек бўлди. Бу жазо эмас, балки ғофил бандага берилган иккинчи ҳаёт, гуноҳлардан покланиш учун илоҳий имконият эканини тушундим.

Санкт-Петербург қанчалик узоқ ва совуқ бўлмасин, яқинларим хавотир олмаслиги учун буни улардан сир тутдим. Аммо, онам бир нимани сезгандек узундан-узон дуо қилиш одатини чиқарди. Эҳтимол, мени дарддан ҳимоялаган нарса отам ва онамнинг дуоси ҳамдир. Уларнинг эътибори ва Унинг муҳаббати мени оғриқдан кўра кўпроқ йиғлатди. Тириклигимга шукр айтишга ундади. Ҳа, танамдаги ҳар бир яра ҳам битди, руҳимда илоҳий уйғониш абадий қолди.

Жалолиддин Ёриев, мусофир.

“ТУЗАЛДИ ДЕСАНГ — ИШОНМАЙМИЗ...”

Қишлоқда бу аёлнинг исмини эшитганда, одамларнинг чехраси ўзгариб кетарди. Унинг бир қарашда мулойим, ширинсўз, ҳатто, тақводор кўриниши кўпчиликни алдаган эди. Аммо, уни йиллар давомида таниб-билганлар бошқа ҳақиқатни яхши биларди.



У узоқ йиллик қадрдонларнинг орасига кириб, бирининг гапини иккинчисига, иккинчисининг сирини биринчисига етказар, одамларни бир-бирига қарши қўяр, кейин эса четдан туриб, ўз қўли билан ёққан оловни томоша қиларди.

Бир куни унинг қилмишлари чидаб бўлмас даражага етди. Одамлар йиғилишди. — Нега бизнинг орамизга нифоқ солдинг? — деди кексалардан бири. Аёл бошини эгди. — Мен хато қилдим... — Хато? — деди бошқаси аччиқ қулиб. — Йиллар давомида одамларни бир-биридан айирганинг ҳам хато бўлдими?

Аёлнинг кўзларига ёш келди. — Мен ҳам инсонман. Гуноҳ қилдим. Мени кечиринглар. Бироз сукут чўкди. — Энди нима қиласан? — сўради кимдир. Аёл қўлини кўксига қўйди. — Ўзимни тузатаман. Бундан кейин ҳеч кимнинг орасига тушмайман. Ҳеч кимга ёмонлик қилмайман. У, ҳатто, муқаддас жойларга бориб, умра зиёратини ҳам адо этиб қайтди.

Қайтиб келгач, одамлар унга яна бир имконият беришди. — Балки, чиндан ҳам тавба қил-гандир, — дейишди. — Балки, энди ўзгаргандир... — Инсонга бир марта бўлса ҳам имконият бериш керак. Аёл ҳам жамоат олдида яна бир бор сўз берди: — Мен энди бошқача одамман. Ўтмишдаги хатоларимдан пушаймонман.

Вақт ўтди. Аввалига ҳамма тинчланди. Аммо... Орадан кўп ўтмай, аёлнинг эски одатлар яна бош кўтарди.

Аввал бир дўст ҳақида бир оғиз гап. Кейин иккинчи дўстга бошқа гап. — Фалончи сен ҳақингда ундай деди... — Пистончининг сенга муносабати, аслида, бошқача... — Мен сенга яхшилик истаганим учун айтаяпман...

Шу тариқа яна бир дўстликка дарахт қурти тушгандек, йиллар давомида мустаҳкам бўлиб келган муносабатлар емирила бошлади. Бир куни унинг навбатдаги қилмиши ҳам фош бўлди. Бу сафар жамоат энди жим турмади.

Ҳамма яна бир жойга йиғилди. Аёл эса яна аввалгидек бошини эгиб турди.

— Яна сенми? — деди бир киши. — Бу сафар ҳам менга ишонасизларми? — деди бошқаси. Аёл жавоб бермади. — Умрага борган эдинг-ку... — Ҳа... — Тавба қилган эдинг-ку... — Ҳа... — Ҳатто, жамоат олдида сўз берган эдинг!

Аёлнинг овози титради: — Мен... яна хато қилиб қўйдим. Шунда орадан бир кекса одам оғир хўрсиниб деди: — Сени бир марта кечиргандик. Бошқаси қўшиб қўйди: — Иккинчи марта ҳам ишондик. Учунчиса эса аччиқ овозда: — Аммо энди ҳар гал «тузалдим» деганингга ишонишга юрагимиз қолмади.

Аёл йиғлай бошлади. — Менга яна бир имконият беринглр...

Шунда жамоат орасидан машхур бир ибора янгради:

— Бу аёл ўлди десанглр — ишонамиз. Аммо тузалди десанглр — ишонмаймиз! Ҳамма жим қолди.

Бу гап унинг ўзига эмас, унинг такрор-такрор қайтарилаётган қилмишларига берилган ҳукм эди. Чунки одамни сўз эмас, қилмиши танитади. Тавба ҳам тилда эмас, амалларда кўринади.

Зиёрат ҳам инсонни ўз-ўзидан пок қилиб қўймайди. Инсон муқаддас жойдан қайтиб келиб ҳам ўзининг эски нафсига, эски ҳасадига, эски фитнасига яна қайтиши мумкин.

Аёл эса бу гаплардан кейин ҳам ўзини оқлашга уринди.

— Менга тўхмат қилишяпти... Жамоатдан овоз келди: — Агар тўхмат бўлса, нега ҳар сафар бир хил қилмишинг фош бўлади? — Мен ҳеч кимга ёмонлик истамайман...

— Унда нега ҳар сафар одамларнинг ораси бузилади? — Мен фақат ҳақиқатни айтдим... — Ҳақиқатни айтган одамдан кейин дўстлар душман бўлиб қолса, бу қандай ҳақиқат? Аёл жавоб тополмади. Орадан вақт ўтди. Айтишларича, у ўз қилмишлари ортидан оғир руҳий ҳолатга тушиб, турли жойларга бориб, даволанишга уриниб юрган эмиш.

Аммо одамлар орасида бошқа бир гап тарқалди:

— Тананинг дардига табиб топи-лар... — Аммо одамлар қалбига солинган жароҳатни ким даволайди? — Йиллар давомида бузилган дўстликларни ким қайта тиклайди? — Бир оғиз гап билан ажратилган одамларни ким яна бир дастурхон атрофига йиғади? Шунда бир кекса инсон шундай деди:

— Инсон ўзини оқлаш учун мингта сўз топиши мумкин. Бир марта зиёратга бориб, минг марта “тавба қилдим” дейиши ҳам мумкин. Аммо ҳақиқий тавба — одамларнинг ишончига қайта кириш эмас, уларга яна зарар етказмаслиқдир.

Жамоат сукут сақлади. Ҳеч ким уни ҳақорат қилмади. Ҳеч ким лаънат ҳам айтмади. Фақат энди унга ишонишмасди. Чунки баъзи одамлар ўз обрўсини бир кунда йўқотмайди.

Улар уни майда ёлғонлар, яширин гаплар, ҳасад, нифоқ ва такрор-такрор бузилган ваъдалар билан йиллар давомида ўз қўллари билан емириб боради.

**Гулижан Ғафурова,
Қорақўл тумани.**

Коррупция дунё миқёсидаги глобал муаммолардан бири бўлиб, ҳар қандай давлат ва жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожига жиддий путур етказиши.

Юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар доирасида коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олишга қаратилган самарали ҳуқуқий ва институционал механизмлар шакллантирилди. Бу борада бир қатор муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, давлат органлари фаолиятида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, жамоатчилик назоратини кучайтириш, коррупцияга қарши ички назорат тизимларини жорий этиш ҳамда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ — БИРГАЛИКДА КУРАШАМИЗ!

Коррупцияга қарши курашишда маъсул давлат органлари билан бир қаторда фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва кенг жамоатчиликнинг иштироки муҳим аҳамият касб этади.

Бу борада Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси органларида ҳам тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, коррупциянинг олдини олишга қаратилган ички механизмлар мунтазам тушунтириб борилмоқда.

рақамлаштириш орқали инсон омилини қамайтириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шунингдек, Бюро директори томонидан 2026 йил 17 мартда тасдиқланган “Прокуратура органларида комплаенс ва коррупцияга қарши ички назорат бўйича янги тизимни самарали ташкил этиш юзасидан Ҳаракатлар дастури”да белгиланган вазифаларнинг мазмун-моҳияти ҳодимларга мунтазам тушунтириб борилмоқда.

Бундан асосий мақсад — жамоада соғлом муҳитни шакллантириш, ҳодимларни коррупциянинг салбий оқибатларидан огоҳ этиш, ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлаш ҳамда қонунчилик ва “Ахлоқ кодекси” талабларига қатъий риоя қилиш маданиятини юксалтиришдан иборат.

Коррупцияга қарши курашишда асосий эътибор унинг оқибатларига эмас, унинг келиб чиқиш сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этишга қаратилмоқда.

Коррупцияга қарши курашиш борасидаги чора-тадбирларни изчил давом эттириш, бу жараёнга фуқаролик жамияти институтлари, ОАВ вакиллари ва кенг жамоатчиликни кенг жалб этиш муҳим вазифалардан биридир.

Айни пайтда коррупциянинг олдини олишга қаратилган профилактик тадбирлар тизимли равишда давом эттирилмоқда.

**Дилшод Арипов,
Бош прокуратура ҳузуридаги
Мажбурий ижро бюроси
Шахсий хавфсизлик бошқармаси катта инспектори.**

**Сухроб Муҳаметқулов,
Мажбурий ижро бюроси Бухоро
вилояти бошқармаси
Шахсий хавфсизлик шўъбаси
катта инспектори.**

МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ ХАЛҚАРО АЁЛ МЕДИА-МУТАХАССИСЛАРИ ТОШКЕНТДА ТЎПЛАНДИ



“Минтақавий бирдамлик, рақамли хавфсизлик ва журналистиканинг инклюзив келажаги” II Марказий Осиё халқаро аёл медиа-мутахассислари конференциясида Марказий Осиёнинг беш мамлакатидан келган 100 дан ортиқ аёл журналист, муҳаррир, медиа-менежер, рақамли контент яратувчи ва экспертлар рақамли хавфсизлик, сунъий интеллект, гендер стандартлари ҳамда минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Замоновий журналистикани ривожлантириш маркази (МЖДС) ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги ОАВ учун контент ишлаб чиқариш маркази, Миллий оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, Европа Иттифоқининг Ўзбекистон, Қозоғистон ва Тожикистондаги ваколатхоналари, Швейцариянинг Ўзбекистондаги элчихонаси, ЙХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалар координатори, ЙХХТнинг Душанбедаги дастурлар офиси, ЙХХТнинг Бишкекдаги дастурлар офиси, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистон ва Қозоғистондаги ваколатхоналари ҳамда Қирғизистон ижодий индустриялар парки ҳамкорлигидаги конференциядан

Марказий Осиё медиа соҳасидаги аёллар фаолиятига тобора кучлироқ таъсир кўрсатаётган долзарб чақириқлар ўрин олди.

Шунингдек, рақамли зўравонлик, дипфейклар ҳамда сунъий интеллект технологияларидан суиистеъмол қилишнинг бошқа шакллари, дезинформация, касбий толиқиш, аёлларнинг медиа-менежментга кириб боришидаги ғовлар



ва минтақа мамлакатлари ўртасида барқарор касбий қўллаб-қувватлаш борасида музокаралар кечди.

Ўзбекистон Республикаси Замоновий журналистикани ривожлан-

тириш маркази директори Саида Сулаймановага кўра, бундан икки йил илгари Марказий Осиё аёл журналистларини бирлаштириш зарурати тугилган.

Штаб ва таҳририятлар ишида сунъий интеллектнинг таъсири конференциянинг марказий мавзуларидан бирига айланди. Марказий Осиё медиасида аёл журналистлар ва медиа мутахассисларнинг ўрни тобора ортиб бормоқда. Шунга қарамай, уларнинг раҳбарлик лавозимларига кўтарилиши, муҳим қарорлар қабул қилиш жараёналарида иштирок этишида турли тўсиқлар учрайди. “Шиша шифт” атамаси ана шу кўзга кўринмас, бироқ касбий ўсишни чеклайдиган тўсиқларни англатади. Бундай ҳолатларни бартараф этиш учун аёлларнинг профессионал салоҳиятини қўллаб-қувватлаш, тенг



имкониятлар яратиш ва раҳбарлик кўникмаларини ривожлантириш муҳим.

- Амалий сессияларда иштирокчи аёллар аккаунтлар ва маълумотларни муҳофаза қилиш воситалари билан ишладилар, онлайн-ҳужумлар сценарийларини таҳлил қиладилар ҳамда тезкор касбий ёрдам кўрсатишнинг эҳтимолий механизмларини муҳокама қилдилар. Аёл журналистлар ОАВ воқеаларни ҳақиқатда бўлгани каби акс эттиришини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. “Шиша шифт”ни енгиб ўтаётган аёллардан кўпинча мураккаб ёки нотинч шароитларда ҳам муваффақиятга эришиш кутилади, - деди Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги элчиси Тойво Клаар.

Форумнинг “Биргаликда лойиҳалаш” стратегик сессияси эса бу ҳамкорликни амалий натижага айлантиришга қаратилди. Гендер-сезгир журналистика бўйича ягона минтақавий қўлланмани ишлаб чиқиш, таҳририятлар учун умумий этик ва касбий стандартларни муҳокама қилиш давлатлар аёллар журналистларини умумий мақсад

атрофида бирлаштиради. Бу фақат бир тадбир доирасида қолиб кетмайдиган, кейинчалик таҳририятлар амалиётида қўлланиши мумкин бўлган натижадир.

Шу хусусда Ўзбекистон Республикаси Замоновий журналистикани ривожлантириш маркази директори Саида Сулайманова билан суҳбатда бўлдик.

- Бугун Марказий Осиё аёл журналистларини бир майдонга жамлашнинг аҳамияти нимада?

- Бугун медиа соҳасида аёл журналистлар сони кўпайиб бораётгани билан бирга, улар дуч келаётган муаммолар ҳам мураккаблашмоқда. Касбий ўсиш, раҳбарлик лавозимларига кўтарилиш, оила ва карьера ўртасидаги мувозанат, рақамли таҳдидлар каби масалалар бир мамлакат доирасидагина ҳал бўладиган муаммолар эмас. Шунинг учун Тожикистон, Ўзбекистон ва бошқа Марказий Осиё давлатларидан келган журналистларнинг тажрибасини бир жойда солиштириш жуда муҳим. Бундай мулоқот орқали биз муаммоларни эмас, уларга амалий ечимларни кўпроқ муҳокама қилиш имконига эга бўламиз.



- Форум дастурида рақамли хавфсизликка алоҳида эътибор қаратилган. Бу бугунги журналист учун қанчалик муҳим?

- Жуда муҳим. Журналистнинг хавфсизлиги энди фақат унинг иш жойидаги хавфсизлиги билан чекланмайди. Аккаунтларни бузиб кириш, шахсий маълумотларни тарқатиш, кибертаъқиб, шантаж, сохта ёки дипфейк контент орқали обрўсизлантириш каби хавфлар реал муаммога айланган. Шунинг учун журналист рақамли гигиена қоидаларини билиши, шахсий маълумотларини ҳимоя қилиши



ва ҳужум содир бўлганида қандай ҳаракат қилишни олдиндан билиши зарур.

- Аёл журналистлар учун “шиша шифт” ва импостор синдроми мавзуси ҳам кўтарилди. Бу тушунчаларни амалиётда қандай кўрамиз?

- “Шиша шифт” кўпинча кўзга кўринмайди. Аёл мутахассис яхши журналист бўлиши мумкин, катта тажрибага эга бўлиши мумкин, лекин, раҳбарлик ёки қарор қабул қилиш даражасига келганда, турли тўсиқларга дуч келади. Импостор синдроми эса инсоннинг ўз салоҳиятига ўзи шубҳа қилиши билан боғлиқ. Шунинг учун профессионал муҳитда бир-бирини қўллаб-қувватлаш, устозлик ва тажриба алмашиш жуда муҳим. Бир аёл журналистнинг ютуғи бошқаси учун ҳам йўл очиши мумкин.

- Яқинида ягона минтақавий қўлланма ва “Women Media Awards Central Asia” ташаббусининг тақдим этилиши қандай натижа беради, деб ўйлайсиз?

- “Women Media Awards Central Asia” эса аёл журналистларнинг меҳнатини тан олиш ва уларнинг профессионал ютуқларини минтақавий даражада кўрсатиш учун янги майдон яратади.

- Демак, бу форумнинг асосий мақсади аёл журналистларни узоқ муддатли ҳамкорлик учун бирлаштиришдан иборат?

- Албатта, шундай! Агар журналист ўз ҳуқуқини билса, рақамли хавфлардан ҳимоялана олса, касбий жиҳатдан ўзини эркин ҳис қилса ва уни қўллаб-қувватлайдиган минтақавий ҳамжамиятга эга бўлса, бу бутун медиа соҳасининг кучайишига хизмат қилади.

MUASSIS :
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
YOSHLAR ISHLARI
AGENTLIGINING BUXORO
VILOYATI YOSHLAR ISHLARI
BOSHQARMASI

Bosh muharrir :
Laylo HAYITOVA

Gazeta Buxoro viloyati Matbuot va axborot boshqarmasi tomonidan
2017 yil 15 dekabrda 05-081 tartib raqami bilan ro'yxatga olingan.

BOSH HAMKOR:
O'zbekiston yoshlar ittifoqi
Buxoro viloyati Kengashi

TAHRIR HAY'ATI:
Shavkat Rahmonov
Mirali Hamroyev
Obidjon Hamidov
Shuhrat Jumayev
Sadoqat Siddiqova
Dilshod Yo'ldoshev
Mirshod Ochilov

TAHRIRIYAT MANZILI:
Buxoro shahri, Alisher Navoiy
ko'chasi, 20-uy.

TAHRIRIYAT HISOB-RAQAMI:
20210000404114165001 "Agrobank"
Buxoro shahar filiali, MFO: 00089, OKONX:
871100, STIR: 203590296
Nashr ko'rsatkichi: 3051



**SAHIFALOVCHI -
DIZAYNER:**
Xurshid Abdullayev

Gazeta "Photo Express" XICH ofset
usulida 1200 nusxada chop etildi.

Bosmaxona manzili:
Qarshi shahri, Mustaqillik
shox ko'chasi, 22-uy

**Navbatchi muharrir: Zulfizar Mavlonova
Tasvirchi: Husan Hakimov**

Hajmi 2 bosma taboq. Qog'oz bichimi A-3. -buyurtma.
Topshirildi — 10:00. Chop etish vaqti: 11:00
Bahosi kelishilgan narxda 15.09.2026 yil

www.buxoro-yoshlari.uz sayti orqali biz bilan birga бўлинг.